

Қозонда «Казан Форум 2023 халқаро ошпазлар» танлови бўлиб ўтади



17:18 / 27.04.2023 1830

Жорий йилнинг 18-19 май кунлари Қозонда «Казан Форум 2023 халқаро ошпазлар» танлови бўлиб ўтади. Бу ҳақда islam-today.ru хабар беради.

Мусобақа 1500 кв.м майдонга эга чодирда 15 мамлакатдан ташриф буюрган ошпазлар иштирокида ташкиллаштирилади.

Жумладан, Туркия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Эрон, Саудия Арабистони, Қирғизистон, Жазоир, Молдова, Россия, Покистон, Ливан, Малайзия, Қозоғистон ва Тунис вакиллари «Ҳалол стандартлари» асосида пазандачилик бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Мусобақада рус ва татар вакилларининг чиқишлари ҳам режалаштирилган. 150 дан ортиқ иштирокчиларнинг чиқишларини халқаро миқёсда тан олинган

ошпазлар баҳолаб бориши кутилмоқда. Форумнинг фахрий меҳмонлари, Қозон аҳолиси ҳамда сайёҳлар тадбирда тайёрланган таомлардан татиб кўришлари мумкин.

«Ислом ошхонаси кунлари Қозоннинг хорижилик меҳмонлар учун сайёҳлик жозибадорлигини оширишга ёрдам беради», дейди Татаристон Республикаси Инвестицияларни ривожлантириш агентлиги.